



## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Муродов Бахтиёржон Баходирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор

**Рапиков Шухрат Хикматуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164256>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Конституция, қонун, фармон, қарор, йўриқнома, қўлланма, низом, қўшма қарор.

### ABSTRACT

Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг миллий норматив-ҳуқуқий асоси ўрганилиб, юридик даражасига кўра, Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларга бўлиниши таъкидлаган. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг нормалари таҳлил қилиниб, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Мамлакатларнинг асосий қонуни бўлган Конституция, давлат ва жамият қурилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини у ёки бу тарзда ўзида акс эттирган олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Тарихда 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида меҳнаткаш ва эксплуатация қилинган халқнинг ердан фойдаланиш, сайловларда қатнашиш, виждон эркинлиги, йиғилиш, митингда иштирок этиши белгиланиб, ҳуқуқ ва эркинликлар табиий ва ажралмас деб тан олинмади, балки давлатдан олинган ва синфий рақиблардан тортиб олинган деб тан олинди. 1937 йилда қабул қилинган Конституцияда айрим тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш расмий равишда йўқ қилиниб, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тизими (иш, дам олиш, моддий таъминот, бепул тиббий ёрдам, бир қатор мажбуриятлар, қонунларни бажариш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, жамоат вазибаларига ҳалол муносабатда бўлиш кабилар) кенгайтирилди. Кейинчалик 1978 йилда қабул қилинган Конституцияда инсонни ҳуқуқий мақоми янада такомиллаштирилиб, фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқларини белгиловчи нормалардан ташқари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг халқаро тамойиллари акс эттирилган, давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари ҳам белгиланди. Шу билан бирга, Конституция сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликка йўл қўймасдан, ягона коммунистик партиянинг мавқеини мустаҳкамлади. Шунингдек, ушбу даврларда Конституция асосида уч юздан ортиқ қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, тезкор-қидирув фаолиятида



инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш номига, маълум даражада амалга оширилган. Бунинг сабаби, 1927, 1937 ва 1978 йилларда қабул қилинган конституциялар шуровий мафкура заминда яратилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга умуман эътибор берилмасдан, биринчи масала ягона коммунистик партия манфаатларига қаратилганди.

Мустақиликнинг илк йилларида тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимида қуйидаги: “Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган барча фуқаролар ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодидан қатъий назар қонун олдида тенглиги; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги; мамлакат ичкариси ва ташқарисида фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиниши; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши; фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларидан фойдаланиши ва ушбу ҳуқуқларнинг дахлсизлиги қонунлар билан муҳофаза қилиниши” [1] каби қоидаларни белгилангани, тезкор-қидирув фаолиятида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсати даражасида эканлигидан далолат беради. Бироқ, Конституциянинг айрим нормасида назарда тутилган қоидаларнинг амалиётда қўллашда муаммолар кузатилди. Масалан, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ оператив-қидирув тадбирлари ёки тергов ҳаракатлари прокурорнинг санкцияси асосида амалга ошириляётгани, аслида мазкур ҳаракатларга қонун бўйича суд рухсат бериши, фуқароларнинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклашга фақат суд ваколатли бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида: “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур. Умуман, маъномазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак” мазмунидаги фикрлари янги таҳрирдаги Конституция нормаларида асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилишидан далолат берди. Дарҳақиқат, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда 2023 йил 30 апрель куни республикада ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг муҳим ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади. Янги таҳрирдаги асосий қомусимизда қуйидагича: “инсон, унинг ҳаёти,



эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиб, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлиги, жамиятнинг барқарор ривожлантиришда масъул экани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан эътироф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлиб, Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги; инсон яшаш, шаъни ва қадр-қиммати, эркинлик, шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, суднинг қарорисиз шахс ушлаб турилмаслиги, уни ушлаш чоғида барча ҳуқуқлари тушунтириш шартлиги; жиноят содир этишда гумонланаётган шахс сукут сақлаш ҳуқуқи борлиги, судда айби исботланмагунча айбсиз деб топилиши; шахс яқин қариндошига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги; жазони ўтаётган шахсга ҳурмат кўрсатилиши; шахснинг судланганлиги унинг яқинларига дахл қилмаслиги; ҳар бир шахс ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эгаллиги, ушбу ҳуқуқини чеклаш қонунда назарда тутилган асослар кўра фақат суднинг қарори асосида амалга оширилиши; ҳар ким уй-жой дахлсизлигига эга бўлиб, уни розилигисиз уйига ҳеч ким кирмаслиги ёки уйи бузилмаслиги, уй-жойда тинтун ўтказиш фақат суднинг қарори билан амалга оширилиши; ҳар ким бузилган ҳуқуқлари тиклаш, ҳуқуқини бузган шахсга нисбатан судга шикоят билан мурожаат қилиши; бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги; фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги; боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олгани [2] каби муҳим қоидалар белгиланди.

Ўзбекистон ССР Конституциялари ва Ўзбекистон Республикасининг эски ва янги таҳрирда қабул қилинган Конституциялари нормалари таҳлил қилинганида *биринчидан*, Ўзбекистон ССР Конституциялари мазмунида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига эътибор берилмасдан ҳокимият манфаатлари ва мафкуравий мақсадлар устувор бўлганлиги [35]; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида инсон ҳуқуқларига доир нормалар муқаддима, 13, 14-моддалари, иккинчи бўлимнинг 24, 26, 31, 40-моддалари 10-бобида белгиланиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларига доир нормалар муқаддима, 13, 14-моддалари, иккинчи бўлимнинг 19, 20, 21, 25, 26, 28, 31, 42, 44, 50-моддалари 10-бобнинг 54, 55, 56-моддалари, 11-боб 60-моддаси, 14-бобни 77, 78-моддаларида белгиланди, янги таҳрирдаги Конституциямизда *қарийб уч баробарга* инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид нормаларни оширилгани тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши энг устувор вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг 1991 – 2022 йилларида тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид жорий қонунлар қабул қилиниб, ушбу қонунларни *шартли равишда уч босқичга* бўлиб ўрганимиз.



**1-босқич:** 1991 – 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида” қонуни; “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”, “Жиноят”, “Жиноят-процессуал”, “Жиноят-ижроия” кодекслари; “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”; “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”; “Телекоммуникациялар тўғрисида”; “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”; “Прокуратура тўғрисида”; “Банк сири тўғрисида”; “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлади. Мазкур қонунларнинг моҳияти таҳлил қилинганида *биринчидан*, давлат сирларига тааллуқли маълумотларга эга бўлган айрим фуқаролар бундай маълумотлар махфийлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун давлат сирлари сақланишини таъминловчи органга мурожаат этиши; махфийлаштирилиши фуқаронинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сири ҳисобланмаслиги; Ўзбекистон Республикаси фуқаросига махфий маълумотлар билан ишда фойдаланиш учун берилган ижозатни тўхтатиш ёки бундан маҳрум қилиш фуқарони ўзига маълум бўлган давлат сирларини ошкор қилмаслик мажбуриятидан халос этмаслиги; давлат сири ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлаётган ёки ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзи ёзма равишда берган розилиги билан махфийлик муддати тугагунига қадар, лекин кўпи билан беш йилга ҳуқуқлари чекланиши; давлат сири ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштиришда фуқароларнинг розилиги билан уларни махсус текширувдан ўтказиш; давлат сирини сақлаш Ўзбекистон Республикаси фуқаросини бурчи ҳисобланиши[3]; *иккинчидан*, маъмурий жавобгарлик ҳақидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши, фуқароларни Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш вазифасини бажариши[4]; *учинчидан*, жиноят содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жинойий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахсни шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини натижалари сохталаштирилиши жавобгарликни келтириб чиқариши[5]; *тўртинчидан*, тезкор ходимлар томонидан жиноят-процессуал қонунчилиги талабига биноан терговга қадар текширувда жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жами 260 дан ортиқ олди олинган ва аниқлаланадиган жиноятлар юзасидан жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ тезкор ходимлар бевосита ёки топшириқ асосида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши[6; 36]; *бешинчидан*, жиноят-ижроия қонунчилиги нормалари асосида маҳкумларнинг хавфсизлиги таъминланиши[7]; *олтинчидан*, адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан ва стажёридан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатувлар бериш, тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш учун материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилиши[8]; *еттинчидан*, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиша фуқаролар соғлиғини сақлаш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб



бериш ва назорат остида олиш тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш шахс ҳуқуқларининг поймол қилмаслик[9]; *саккизинчидан*, айрим тоифадаги фуқарога телекоммуникация хизматидан фойдаланиш чоғида навбатда туриш, фойдаланиш масаласида устунликлар белгиланиши[10]; *тўққизинчидан*, терроризмга қаши курашиш орқали фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш, террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш тақиқланиши, фуқаролар терроризмга қарши курашда давлат органларига кўмаклашиш ҳуқуқига эгаллиги, террорчиликка қарши операция ўтказаетган зонага фуқаронинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участка ва объектга киритмаслик, фуқаролар ушбу жойлардан чиқариб юборилиши[11]; *ўнинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиши, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётганда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш, фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилиш[12]; *ўн биринчидан*, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар банк сирини ташкил этиб, ушбу маълумотларни олиш прокурорнинг санкцияси асосида рухсат берилиши[13]; *ўн иккинчидан*, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотлар Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилмаслиги[14]; *ўн учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиши ва мажбуриятларини бажариши, ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш жойларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилиши, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминланиб ўқотар қурол қўлланилиши[15] ҳақида қоида белгилангани маълум бўлди.

**2-босқич:** 2012 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”, “Ҳуқуқбузарлик профилатикаси тўғрисида”, “Божхона кодекси”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”; “Ички ишлар органлари тўғрисида”; “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”; “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”; “Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатлари тўғрисида” ги Қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлади. Мазкур қонунларнинг моҳияти таҳлил қилинганида *биринчидан*, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда қонунчиликда назарда тутилган умумий ва



махсус принциплар асосида тезкор-қидирув табирлари амалга оширишнинг қонуний асослари ва шартларига мувофиқ тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши [16]; *иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тадбирларни кўриши; ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқаролар томонидан фуқаровий ва хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминланиши; жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ва бедарак йўқолган шахсларнинг қидирувида иштирок этиши, коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқаролар соғлиғини сақлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиши, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаши, фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиб ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари, бошқа субъектларга зарур ёрдам кўрсатиши[17]; *учинчидан, божхона постида шахсий кўрикдан ўтказишда инсон шаъни ва кадр-қиммати камситмасдан, унинг соғлиғи ва мол-мулкига зиён етказилмасдан амалга оширилиши[18]; тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу қонунга мувофиқ ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши[19]; бешинчидан, коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; фуқаролар коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши[20]; олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий қамоққа олинган фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунда белгиланган чекловлар инобатга олинган ҳолда ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиши, чет эл фуқаролари маъмурий қамоққа олинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши[21]; жисмоний ва юридик шахслар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланиши, мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширишда бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги, жорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга” [22] каби қоидаларнинг белгилангани инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилганини кўрсатмоқда.**

**3-босқич:** 2018 – 2022 йилларда “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”; “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”; “Давлат божхона хизмати тўғрисида”; “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини



ҳимоя қилиш тўғрисида”; “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”; “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”; “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”; “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”; “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”; “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”; “Фавқулодда ҳолат тўғрисида” ва “Киберхавфсизлик тўғрисида” қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлади. Мазкур қонунларнинг моҳияти таҳлил қилинганида *биринчидан*, давлат хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фуқаролар билан қонунда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши; давлат хавфсизлик хизмати ходимлари фуқаролардан тезкор-қидирув, қидирув ва бошқа тадбирлар, терговга қадар текширишлар ва тергов ҳаракатлари ўтказиладиган жойларни тарк этишни талаб қилиш, фуқароларни уларнинг розилиги билан кўмаклашишга жалб этиш, давлат хавфсизлик хизматига кўмаклашган фуқароларни тақдирлаш; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча зарур чораларни кўриши; шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббиёт муассасаларига етказиш, фуқароларни Давлат хавфсизлик хизматига хизматга қабул қилиш [23]; *иккинчидан*, фуқаролар экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар экстремистик фаолиятни амалга оширганда жавобгарликка тортилиши[24]; *учинчидан*, божхона органларининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши, божхона органларидаги хизматга фуқароларни қабул қилиш[25]; *тўртинчидан*, жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишга кўмаклашган жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари қўлланилиши[26]; *бешинчидан*, маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиши; фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши; фуқароларнинг ёзма кўрсатуви шахсни сирtdан қидирув эълон қилишда тузиладиган ҳужжатлардан бири экани[27]; *олтинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш зарур бўлганда шахсга доир маълумотлар трансчегаравий узатилиши; фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилиши[28]; *етинчидан*, одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига фуқароларни кўмаклашиши, фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, одам савдосидан жабрланган деб тан олинган чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши[29]; *саккизинчидан*, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан вояга етмаганларнинг, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки



муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсининг қонуний вакиллари геном бўйича давлат рўйхатидан ўтиш ҳуқуқига эгаллиги, геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш жисмоний шахсларнинг ёзма аризага кўра пулли асосда амалга оширилиши[30]; *тўққизинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳ таркибида фуқароларнинг розилиги асосида иштирок этиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашда фуқароларнинг таклиф ва тавсияларидан фойдаланиш” [31]; *ўнинчидан*, виждон эркинлигини таъминлашда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузишга йўл қўйилмаслиги, фуқароларни динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка фуқаролар томонидан риоя этилишини таъминлаш, фуқароларини соғлиғи ва ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний ғоялар ҳамда қарашларнинг сингдириш, тарқатиш тақиқланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш эркинлигидан фойдаланиши [32]; *ўн биринчидан*, фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига бевосита таҳдид соладиган ҳамда фавқулодда чоралар қўлламасдан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, алоҳида ҳолларда жорий этилиши, ушбу вазиятда фуқаролардан қурол, ўқ-дорисини вақтинча олиб қўйиш[33]; *ўн иккинчидан*, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи фуқаролардан маълумотни, бошқа зарур ҳужжатларни сўраши ва олиши, киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича тергов ҳаракатларида фойдаланиш[34] каби қоидалар белгилангани маълум бўлди.

Тадқиқот иши доирасида ўрганилган ўттиздан ортиқ жорий қонунлар мазмунини таҳлил қилиш орқали *биринчидан*, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш принципига риоя қилиш; *иккинчидан*, фуқароларнинг мурожаат қилиш, турли жиноятни олдини олиш ва фош этишда ваколатли давлат органларига ёрдам бериш, қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиши; *учинчидан*, давлат сирларни сақлаш, фавқулодда ҳолларда ва бошқа давлат органлари белгиланган қонуний чекловларга амал қилиши; *тўртинчидан*, фуқароларни ижтимоий ҳуқуқлари сифатида давлат органларида ишга қабул қилиниши; *бешинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик кераклиги ҳақида ҳулосага келинди.

Мазкур қонунларни амалиётга тўғри тадбиқ этишда айрим камчиликлар борлиги кузатилмоқда. Масалан, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳозиргача прокурорнинг санкцияси (рухсати) асосида олиниши, бу ҳолат фуқароларнинг шахсий (маблағлари, жамғармаси ҳақида) маълумотлар дахлсизлиги бузилишига олиб келмоқда. Ушбу ҳаракатлар Конституциянинг 19-моддаси талабига зид ҳаракат ҳисобланади. Шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонун инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатини таъминлашда муҳим ҳисобланиб, ундаги нормалар билан юқорида таъкидланган бошқа жорий қонунларнинг айрим



нормалари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда тезкор-қидирув фаолият амалга оширилишини таъминлайди. Масалан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари ва асосий принциплари, тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишни асослари ва шартлари баён этилган бўлиб, ушбу нормаларда белгиланган талаблар асосида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши шарт. Масалан, жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун бўйича бир ойга қадар кўриб чиқилиши, ушбу даврда тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилганида тезкор ходим тезкор-қидирув тадбирини қонунда кўрсатилган асослар ва шартларга риоя қилган ҳолда амалга ошириб инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлайди. Аксинча, қонуний асосларсиз тадбир ўтказилганда ва тадбир натижасига кўра, тузилган ҳужжатлар сохталаштирилган деб топилса, оқибатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги учун айбдор ходимлар жиноий жавобгарликка тортилади.

Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солинишида қонуности ҳужжатлар алоҳида аҳамиятли. Бундай ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган давлат органларининг қарорлари, буйруқ билан тасдиқланадиган низом, қўлланма ва йўриқномалар, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қарорларини мисол келтириш мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари 7 тани ташкил этиб, биргина Ички ишлар органлари мисолида қабул қилинган қонуности ҳужжатлар ўрганилганида жумладан, 1991 – 2022 йилларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли Ички ишлар вазирлигининг икки юздан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти тассаруфидаги тезкор бўлинмаларнинг йўналишлари бўйича хизмат фаолиятини тартибга солиб келмоқда.

**Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилиш асосида қуйидагилар:**

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимида, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига кўра *уч гуруҳга* (Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатлар) бўлинишини тушунтириш;

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида 20 дан ортиқ нормаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид қоидалар белгиланганини инобатга олиб, тезкор-қидирув фаолиятига доир қонунчилик нормаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекснинг 29, 34, 170, 382-моддаларига, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг прокурорнинг ваколатлари билан боғлиқ 28-моддасига, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон қонуннинг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари билан боғлиқ 19-моддасига, “Банк сири



тўғрисида”ги қонуннинг Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тақдим этиш билан боғлиқ 9-моддасига инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга санкция бериш тартибини прокурордан судга ваколат берилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини билиш тезкор-қидирув фаолиятини тўғри ва самарали этишда ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган эски таҳрирдаги Конституцияси // Электрон манба: [URL: http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.07.2023).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси// [URL: http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 848-XII-сон “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт:07.07.2023).
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).;
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги 721-I-сон “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
10. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 822-I-сон “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
11. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 167-II-сон “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.10.2022).



12. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
13. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги 530-II-сон “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
14. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
15. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-298-сон “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023).
16. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.07.2023)
17. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
18. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
19. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
20. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
21. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январдаги ЎРҚ-420-сон “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
22. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-447-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
23. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
24. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ-489-сон “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
25. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-502-сон “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. ((Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).
26. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги ЎРҚ-515-сон “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини



ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

27. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ-532-сон “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

28. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

29. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сон “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

30. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги ЎРҚ-649-сон “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

31. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

32. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сон “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

33. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-737-сон “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

34. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.07.2023).

35. Жўрабоев, Н.Ю., Ўралов, Э. И., Усмонов, Б.Ў. Жаҳон конституциялари тарихи ва конституциявий ислохотлар // ORIENSS. 2023. №1-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zha-on-konstitutsiyalari-tarihi-va-konstitutsiyaviy-islo-otlar> (дата обращения: 07.07.2023).

36. Муродов Б.Б., Бобомуродов Ф.Б. Ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини жиноят-процессуал таъминлаш: хориж ва Ўзбекистон қонунчилиги нормаларининг қиёсий таҳлили // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences December 2022. Б.271-290. ([www.oriens.uz](http://www.oriens.uz))